

**ҚАМАШНИНГ
ОБОДЛИГИ,
КЎРКИДАН КЎЗ
ҚАМАШАДИ**



**ОНАЛАР ҚАМ
АЛИМЕНТ
ТЎЛАШИ МУМКИН**



Маҳалла



www.xolisnazar.uz



@xolis_nazar



@xolisnazar

ШАНБА, 7 МАЙ, 2022 ЙИЛ № 18 (2052)

«ИНСОН АЗИЗ, ХОТИРА МУҚАДДАС»



16 май — маҳалла раислигига сайлов бошланадиган кун

Қонунчиликда сайловни ўтказиш бўйича қарор қабул қилингандан 2 ой ўтиб сайлов бошланиши белгиланган. Шунга кўра, 16 март куни Олий Мажлис Сенати Кенгашининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш туғрисида»ги қарори қабул қилинган бўлса, демак, 16 майдан сайловни бошлашга рухсат берилади.



ВАТАН СОДИҚ ФАРЗАНДЛАРИНИ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАЙДИ

«Кўпни кўрган оқсоқоллар, тажрибали нурунийларимиз, агар истаса, жамоатчилик билан биргаликда ҳар қандай муаммони ҳал қилишга, хато қилган ёшларни тўғри йўлга солишга қодир»

Ям-яшил табиат, алвон гилам, музика садолари, гуллар ва ёшларнинг самимий табассуми... Ўзбекистон Қаҳрамонлари, юксак давлат мукофотлари соҳиблари, меҳнат фахрийларининг ана шундай хурмат-эҳтиром билан кутиб олиниши анъанага айланиб улгурди. Бу галги манзил — Тошкент вилояти.

Юқори Чирчиқ туманидаги «Бахт қасри» тантаналар қошонасида «Инсон азии, хотира муқаддас» шиори остида ташкил этилган тадбир 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида ўтказилгани бежиз эмас. Зеро, инсон хотира билан тирик, қадр билан барҳаёт.

Бу тушунчалар замирида инсонга, унинг ҳаёти, шаъни ва қадр-қиммати чексиз эҳтиром туйғуси мужассам. Шу боис юртимизда ўтганлар хотирасини эъзозлаш, бугунги тинч, осойишта, дориламон кунларга етишимизда фидойилик кўрсатган қаҳрамонлар, нуруний

отахону онахонлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш эзгу анъанага айланган. Уч авлод вакилларини бир дастурхон атрофида бирлаштирган мазкур тадбир ана шундай ғамхурликнинг намунаси дир.

Давоми 2-саҳифада.

Ижтимоий ҳимоя:

ҲЕЧ КИМ МЕХР ВА ЭЪТИБОРДАН БЕГОНА ЭМАС

Президент фармониға мувофиқ, 2022 йил 1 майдан ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари миқдори 12 фоизга оширилди. Шунга кўра, эндиликда Ўзбекистон ҳудудида пенсия ва нафақалар миқдори куйидагича белгиланади:

◆ пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори — ойига 324 000 сўм;
◆ ёшга доир энг кам

пенсия — ойига 633 000 сўм;
◆ ногиронлик пенсиялари, иш стажы тўлиқ бўлмагандаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори — ойига 698 000 сўм;
◆ меҳнатга лаёқатсизларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болаликдан ногиронлиги бўлганларга бериладиган нафақа — ойига 698 000 сўм.

Давоми 4-саҳифада.

СЕМИНАР

САЙЛОВДА ҚОНУНГА РИОЯ ЭТИЛСА, НИЗОЛАРГА ЎРИН ҚОЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Олий Мажлис Сенати, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги билан биргаликда «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.



Тадбирда Олий суд раисининг биринчи ўринбосари Р.Маҳмудова, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Т.Мадумаров, Олий Мажлис Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятининг кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси масъул котиби А.Бобоев, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари А.Турсунов, Адлия вазирлиги ходимлари, Олий суд судьялари, маъмурий судлар судьялари ҳамда видеоконференцалоқаси воситасида жойларда сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари аъзолари иштирок этишди.

Қайд этилганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши — Конституция ва қонунлар билан қаролатилган мустақил фаолият бўлиб, унинг асосий вазифалари сифатида аҳолининг кундалик муаммолари билан ишлаш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдан иборат. Шу аснода мамлакатимизда муҳим сиёсий тадбир — фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловларига қизгин ҳозирлик кўрилмақда.

Айтиш керакки, сайловлар амалдаги қонунчиликка риоя қилинган ҳолда шаффофлик тамойили асосида ўтказилса, вужудга келиши мумкин бўлган низолар ва қонунбузилишлар бартараф этилади, натижада сайловчиларнинг ишончи ортади.

Семинар-тренинг давомида маҳалла оқсоқолларини сайлаш тизимидаги долзарб масалалар ва вазифалар атрофида муҳокама қилиниб, тажриба алмашилди. Сайлов тартиби масаласида тегишли ташкилотлар вакиллари ҳамда мутасаддилар ўз маърузалари билан фаол қатнашди.

Тадбирда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар фаолияти, сайловни ўтказиш тартиби ва сайлов жараёнининг асосий тамойиллари ҳамда бу борада амалга оширилган ташкилий чора-тадбирлар, шунингдек, сайловга оид ишларни маъмурий судда кўриш каби мавзулар муҳокама қилинди.

Мухбиримиз.

**«КОРРУПЦИЯГА
ҚАРШИ КУРАШДА
ЙИГИННИНГ
ЎРНИ ҚАНДАЙ?»**

4

**БЕМОР
ИСТЕЪМОЛЧИ
СИФАТИДА ТАЛАБ
ҚИЛГАНИДА ЭДИ...**

6

**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ
НЕЧА ФОИЗИ 1 МИЛЛИОН
СЎМГАЧА МАОШ ОЛАДИ?**

6

**СЕЛНИНГ
ОЛДИНИ
ОЛИШ
МУМКИНМИ?**

7

ВАТАН СОДИҚ ФАРЗАНДЛАРИНИ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАЙДИ

Учрашув аввалида Тошкент вилояти ҳокими вазифини бажарувчи Зойир Мирзаев сўз олиб, кексалар тажрибаси ёшлар учун ҳаёт мактаби, айниқса, уларнинг қимматли панду насаҳатлари, ҳаёт сабоқлари йигит-қизларнинг шижоати билан бирлаша, жамиятни ривожлантирувчи кучга айланишини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, «Кўпни кўрган оқсоқоллар, тажрибали нурунийларимиз, агар истаса, жамоатчилик билан биргаликда ҳар қандай муаммони ҳал қилишга, ҳато қилган ёшларни тўғри йўлга солишга қодир».

Тантана давомида келажак авлод учун катта ибрат мактаби саналган, Тошкент вилояти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган инсонлар ҳақидаги қатор биографик фильмлар намойиш этилди.

...МИРЗА МУСОХОНОВ. У киши ўз даврининг кўзга кўринган инсонларидан эди. 1970 йилда Тошкент вилоятининг биринчи раҳбари этиб тайинланган. Худуд ривожига жуда кўп меҳнати синган. Кўплаб шаҳарсозлик лойиҳалари, қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ишлар бевосита Мирза Мусохонов номи билан боғлиқ. Унинг фарзандлари, меҳмонлар салмоқли меҳнат муаллифи ҳақидаги фильмни ифтихор билан томоша қилишди.

– Бугунги тадбир биз учун жуда кўп қўнғилимга тўхталарди билан эса қолди, – дейди **Мирзо Мусохоновнинг ўғли Юсуф Мусохонов.** – Айниқса, отамиз ҳақидаги фильм нафақат бизни, йиғилганларни ҳам тўққинлантириб юборди. Бундай учрашувларнинг ташаббусқори бўлган давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз. Бугун сидқидилдан меҳнат қилган, юртга нафи теккан киши борки, ҳурмат-иззатда эканига гувоҳ бўлдик. Ёшларнинг кекса авлод вакиллари билан бир даврада жам бўлиши эса эртанги кун учун катта мақсадларни белгилашда жуда муҳим аҳамиятга эга.

...Тошкент вилоятига кўп йиллар раҳбарлик қилган яна бир инсон – **САЙФУЛЛО САИДАЛИЕВ** ҳақида фильм намойиш этилди. Қаҳрамонимиз ташаббусқорлиги, метин иродаси, инсоний фазилатлари, шу билан бирга, жасорати билан

ҳамкасбларидан ажралиб турарди. Хотира кечасига С.Саидалиевнинг яқинлари, фарзандлари тақлиф қилинди.

Кекса авлод вакиллари Тошкент вилояти раҳнақига катта ҳисса қўшган атоқли раҳбар **ЭРКИН РЎЗИЕВ**ни яхши билишди. Фильмда унинг Ватан олдидаги хизматлари санаб ўтилди.

арзимас меҳнатларимиз қанчалар катта эҳтиромга сазовор бўлганини кўрган бўлса, биз нурунийлар ёшларнинг кўзига боқиб, эртанги кунимиз ҳам ишончли қўлларда эканига амин бўлдик. Энди бор тажрибамизни уларга ўргатишга, маслаҳатчи, тўғри йўлни кўрсатувчи бўлишга интиламиз.

Биз ҳар бир ишда катталар маслағига таянадиган, кичик бир оилавий зиёфатдан тортиб, тўйларгача давраларимиз турини нурунийларимизсиз тасаввур эта олмайдиган миллат вакилларимиз. Шундай экан, кексаларга бўлган чексиз ҳурматимиз, улар олдидаги битмас-туганмас фарзандлик бурчимиз бизни улар дуосини олишга, уларни рози қилишга ундайверади.

– Бобом ҳақидаги фильм ва у кишининг ҳаёт йўлини томоша қилиб, ғурурга тўлдим, – дейди **Эркин Рўзиеннинг набираси Комила Рўзиева.** – Бундай тадбирнинг *Хотира ва Қадрлаш куну арафасида ўтказилаётганида катта рамзий маъно бор, албатта. Биз, ёшлар бутунги учрашувда шуни англадикки, юрт, Ватан содиқ фарзандларини ҳеч қачон унутмайди. Бунга эришиш учун фақат билим олиш, ўқиш, тажриба тўплаш, фидойилик билан меҳнат қилиш кераклигини тушуниб етдик.*

...Ўзбекистон Қаҳрамони, машҳур бекободлик металлург **АБДУРАҲМОН АБДУРАЗЗОҚОВ** ўз касбининг ҳақиқий фидойиси эди. Меҳмонлар у кишининг ҳаёт йўли, меҳнат фаолияти акс этган фильмни тик турган ҳолда, олқишлар билан томоша қилишди. Яна бир Ўзбекистон Қаҳрамони, металлургия саноти фахрийларидан бири – **ОЛИМ ТҲҲИЧЕВ** фаолияти тасвирларга кўчди. Нафақат Бекобод аҳли, балки бутун вилоят аҳолиси у кишининг қилган хизматлари билан фахрланишади.

– Бугунги учрашувда ҳам ғурурландим, ҳам елкамиздаги улкан масъулиятни яна бир бор ҳис қилдим, – дейди **Ўзбекистон Қаҳрамони Олим Тўйчиев.** – Фарзандларим кўз олдимда

Ҳа, қаҳрамон инсонларнинг умр йўлига боқиб, ҳар соҳада пешқадам ва етук шахс бўлишга илҳом олади киши. Мазкур фильмлар ёшлар учун ибрат мактаби вазифини ўтаб берди. Даврадаги самимий ва дилқаш сўхбатлар, катта ҳаёт тажрибасига эга ёши улуглар билан мулоқотлардан тўлқинланган ёш етакчилар нурунийларга эҳтиром кўрсатишди.

Оқсоқолларнинг таъкидлашича, бундай учрашувлар ёшлар учун ғоят муҳим. Бу эндигина мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш авлодга келгуси мақсадларини аниқ ва раvon белгилашда пойдевор вазифини ўтайди.

– Давлатимиз раҳбари уч авлод вакиллари бир даврада жам бўлиш, тажриба алмашишидек улуг ишга пойдевор кўйиб бердилар, – дейди **«Нуруний» жамғармаси раиси ўринбосари Шароф Убайдуллаев.** – Ёшларимиз тарбиясида бундан катта мактаб йўқ. Биз мана шу эстафетани ёшларга топширяпмиз. Табиийки, агар биз ўзимизнинг аждодларимизни улуғласак, келажак бизни улуғлайди. Шу ўринда ёшлар тарбиясида маҳаллалар, нурунийлар тажрибасидан фойдаланишдек янги тизимнинг йўлга қўйилгани улкан аҳамият касб этишини айтиб ўтишим



ўринли. Биз нурунийлар мана шу жараёнда Президентимизга камрабастамиз.

Фахр билан айтиш мумкинки, биз ҳар бир ишда катталар маслағига таянадиган, кичик бир оилавий зиёфатдан тортиб, тўйларгача давраларимиз турини нурунийларимизсиз

тасаввур эта олмайдиган миллат вакилларимиз. Шундай экан, кексаларга бўлган чексиз ҳурматимиз, улар олдидаги битмас-туганмас фарзандлик бурчимиз бизни улар дуосини олишга, уларни рози қилишга ундайверади. Бунинг яна бир ҳикмати шундаки,

фарзандларимиз ўз-ўзидан бу аънананинг давомчиларига айланиб, кексалар дуосининг олтиндан қиммат эканини англаб боришади. Шу тариқа элимиз, юртимиз кексалар дуоси билан яшнайверади.

Санжар ИСМАТОВ.

ОБОД МАНЗИЛЛАР

«ЎЗГАРИШЛАР КАТТА, БИРОҚ КАМЧИЛИКЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС...»

Маҳалла раиси сифатида 2020 йилда иш бошлаган бўлсам, ўшандаёқ келгуси режаларимни тузиб чиққанман. Бу борада «йўл харитаси» яратганмиз. Маҳалламизда 463 та хонадонда 2 221 нафар аҳоли истиқомат қилади. Дастлабки таҳлилларга кўра, худудимизда ичимлик сув муаммоси кўп йиллик масала эди.

Ўткирбек ТўРАБОЕВ, Янгикўрғон туманидаги «Ровот» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Шунингдек, Дўстлик кўчасида аҳолини электр таъминоти бўйича муаммо кийнарди. Оқтрак, Ровот кўчаларини шағаллаш талаб қилинарди. Бу режаларни сектор раҳбари ва туман ҳокимлиги мутасаддилари билан келишиб, аста-секин ҳал



этишни бошладик. Масалан, Дўстлик кўчасини 4 км., Оқтрак ва Ровот кўчаларининг 1,5 км. масофасини шағалладик. 7 та кўча-мизнинг 4 км. масофасига электр тармоғи тортилди, симёғочлар янги трансформатор ўрнатилди. Қолаверса, 7 км.дан ортиқ ерга ичимлик суви тармоғи тортилиб, ҳар бир хонадонга сув ҳисоблагич ўрнатилди.

Шу ўринда бир муаммони ҳам айтиб ўтмоқчиман. Жаҳон банки томонидан Янгикўрғон-Ровот йўлини таъмирлашга маблағ ажратилган бўлиб, бу иш бўйича эълон қилинган тендерда «Тошкент сино индустриал» ғолиб чиққанди. Дастлабки кунлари 15-20 фоиз иш бажарилди. Аммо бугунга келиб негадир иш тўхтаб қолган. Маҳалла фаоллари билан бу масалада учрашганимизда масъуллар турли баҳоналар билан бир-бирини айблайпти, холос.

Яна бир муаммо – 39-умумтаълим мактабига спорт зали куриш керак. Аммо бунинг учун мактабда ўқувчи сони етарли эмас дейишди. Талаб бўйича ўқувчилар 250 нафардан кам бўлмасагина спорт зали куриш мумкин экан. Мактабимизда эса 211 нафар ўқувчи бор. Аслида ўқувчиларимиз 400 нафардан ортади. Аммо 170 нафар маҳалламиз болалари ўртадаги сой сабабли қатнашади. Агар шу сойга кўприк курилса, мактабимизда ўқувчилар сони 400 нафарга етарди.

Худудда ўтган иили 134 нафар ишсиз фуқаро рўйхатга олинган бўлса, бугун 66 нафар қолди. Уларни рўйхатдан чиқаришда 10 сотихдан ер бердик, парранда тарқатдик, 7 нафар маҳалладошимизга имтиёзли кредит олишда ёрдам бердик. Ҳозир яна 25 нафар кишига ер ажратилди. Бунинг натижасида ишсизлар

сони 40 нафарга пасаяди. Уларни эса касб-хунарга ўқитамиз.

Ҳоким ёрдамчиси «Мадина-Шоҳруҳ текстиль» тикувчилик корхонаси билан шартнома қилиб, 8 нафар хотин-қизни ишга жойлади. «Ёшлар дафтари»даги 2 нафар ёшга ер ҳайдаш мини трактори, 2 нафарига инкубатор олиб беряпмиз.

2022 йилдаги хайрли ишлардан яна бири худудимизда тиббий пункт ишга туширилди. Маҳалламизнинг асосий ўсиш нуқтаси деҳқончилик ҳисоблангани. Шу сабабли Дўстлик кўчаси узумчиликка ихтисослаштириляпти.

Маҳалламиз 4-секторга қарашли бўлиб, сектор раҳбари томонидан зарур моддий ва маънавий қўмак бериб келинмоқда. Масалан, шу ой бошида «Темир дафтар»даги 4 та оилага 500 минг сумдан моддий ёрдам кўрсатилди.

БОИС МАҲАЛЛА РАИСИ ОДАМЛАРНИ ҶОИ ОРИДАН ЭРГАШТИРА ОЛАДИГАН ҲАЁТ ТАЖРИБАСИГА А ЭГА, САЛОҲИЯТЛИ, КАТТА ОБРУГА ЭГА БЎЛГАН БОШ ИСЛОҲОТЧИ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ.

РАИСНИНГ ҶОИ ШАХСАН МАҲАЛЛАНИ «ИПИДАН ИГНАСИГАЧА» БИЛИШИ, МАҲАЛЛАНИНГ АҲИЛЛИГИНИ, БИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШИ КЕРАК.

16 МАЙ — МАҲАЛЛА РАИСЛИГИГА САЙЛОВ БОШЛАНАДИГАН КҮН

Маҳалла — демократик институтнинг, халқ билан мулоқотнинг энг қўйи бўғини сифатида ҳаётимизда муҳим ўрин тутди. Бу институт дунёда бошқа аналог бўлмаган ноёб институт ҳисобланади. Халқимизда азалдан каттаю кичик кенгашли ишлар маҳалла-қўй билан бамаслаҳат қилинган. Маҳалла оқсоқолларининг йўл-йўриқлари маслаҳатларига қўлоқ тутилиб иш кўрилган. Шу боис маҳалла раиси одамларни ўз ортидан эргаштира оладиган, ҳаёт тажрибасига эга, салоҳиятли, катта обруга эга бўлган бош ислоҳотчи бўлмоғи лозим. Айтиш кунларда мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қизғин ҳозирлик кўрилмақда.



Номзодлар, аввало, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, қоида тариқасида, олий маълумотли, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши лозим. Ташкилотчилик қобилиятига, иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётининг тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

КЎМАКЛАШУВЧИ КОМИССИЯ НИМА БИЛАН БАНД?

Маҳалла раиси сайловини ўтказиш Сайлов кодекси билан эмас, балки алоҳида махсус қонун билан тартибга солинади. Яъни 2018 йилда қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида» ги қонун билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ги қонуннинг 23-моддаси, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида» ги қонуннинг 8-, 10- ва 11- моддаларига мувофиқ, шунингдек, фуқаролар йиғинлари раисларининг ваколат мuddати 2022 йилнинг май ойида туғаш муносабати билан Олий Мажлис Сенати Кенгашининг жорий йил 16 мартдаги йиғилишида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари)нинг навбатдаги сайловини 2022 йилнинг май ойида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу кун Кенгаш қарори асосида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини муносиб тарзда ўтказиш учун Республика кўмаклашувчи комиссияси ташкил этилди ва унинг иш режаси тасдиқланди.

Республика кўмаклашувчи комиссия 23 кишидан иборат бўлиб, унинг таркибига турли соҳа вакиллари киритилган. Улар мазкур сайловни ташкил этиш ва муносиб ўтказиш масалаларида ёрдам беради. 23 киши 14 та ҳудудга бириктирилди. Улар сайловга тайёрликдан тортиб, уни ўтказиш ва яқунлаш жараёнига ҳудудларга кўмаклашади.

Қонунчиликка кўра, Республика кўмаклашувчи комиссияси Сенат Раиси раислик қилади. Унинг битта ўринбосари Сенатдан, биттаси эса Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигидан сайланади. Яъни бу икки механизм бирга ишлаши керак. Улар маҳалладаги жараённи ўрганса, биз ташкил этиш механизмининг назоратга олишимиз лозим.

Жорий йил 24 март кунини вилоятларда, 25 март кунини эса туманларда ҳам кўмаклашувчи комиссиялар шакллантирилди. Вилоят кўмаклашувчи комиссияси вакиллари эса тўғридан-тўғри маҳаллаларга бириктирилган ҳолда иш олиб боради. Айтиш кунларда мавжуд 9 минг 349 та маҳаллада ишчи гуруҳлар шакллантирилган ва сайлов жараёни билан боғлиқ барча ишлар тўлиқ олиб борилмоқда. Улар томонидан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари ташкил этилди.

зиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари ташкил этилди.

РАИС МАҲАЛЛАНИ «ИПИДАН ИГНАСИГАЧА» БИЛИШИ КЕРАК

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инобатга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади. Номзодлар, аввало, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, қоида тариқасида, олий маълумотли, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши лозим. Ташкилотчилик қобилиятига, иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётининг тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Сайланадиган раис бугунги кун талабларига тула жавоб бериши лозим. Маълумки, бугунги кунда маҳалла таркибига давлат

органлари кириб келди: ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар бўйича, ёшлар бўйича вакил ҳамда профилактика инспектори фаолият олиб борапти. Янги маҳалла раиси ана шу тўртта бўғинни бириктириб, маҳалла аҳолисининг ижтимоий ҳимоясини, даромадларини ошириш ва аҳолини камбағалликдан чиқариш масалалари ижросини таъминлашга кучи ва билими етиши керак бўлади. Биз мана шу ишларнинг уddасидан чиқа оладиган раисни топиб сайлашимиз керак. Ана шунда раис эл қорига ярайди. Раиснинг ўзи шаҳсан маҳаллани «ипидан игнасигача» билиши, маҳалланиннг аҳиллигини, бирлигини таъминлаши керак. Ҳар бир оилани билиши, аҳолини қўллаб-қувватлаши, эҳтиёжманд оилаларга кўмаклашиши лозим. Шу маънода ана шу ишларга қодир бўлган кучли инсон сайлашни мақсадга мувофиқ.

Айтиш кунларда барча маҳаллаларга номзодлар кўрсатиш ишлари давом этмоқда. Қонунчиликка

кўра, ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини раислигига муқобиллик асосида 2 ва ундан ортиқ номзод кўрсатилади.

САЙЛОВ ҚАЧОНДАН БОШЛАНАДИ?

Қонунчиликда сайловни ўтказиш бўйича қарор қабул қилингандан 2 ой ўтиб сайлов бошланади. Шунга кўра, 16 март кунини Олий Мажлис Сенати Кенгашининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёрлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» ги қарори қабул қилинган бўлса, демак, 16 майдан сайловни бошлашга рухсат берилади.

САЙЛОВ ҚАЙ ТАРТИБДА ЎТКАЗИЛАДИ?

Маҳаллада ўтказиладиган сайлов 5 кун олдин шу маҳалла аҳоли учун эълон қилиниши керак. Ҳокимнинг рухсати билан, аҳолининг тавсияси ва ишчи гуруҳининг розилиги билан рухсат берилган номзодларнинг исми-фамилияси, расми ва дастури маҳалла идорасининг олдида аҳоли кўрадиган жойга илб кўйилади ва вақти, кунини ҳамда сайлов бўлиб ўтадиган жойигача кўрсатилади.

М БИЛАСИЗМИ? Маҳалла оқсоқоли қандай ваколатларга эга?

Қонунчиликка кўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли):

- фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисида ёки фуқарони руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида судга ариза беради;
- воёга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этади, етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашади;
- таъзиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларни ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни белгилайди, шунингдек мазкур фактлар тўғрисида аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларини ҳамда ички ишлар органларини зудлик билан хабардор қилади.

ажралиб туради. Кейинги йилларда ҳудудимизга саноат кириб кела бошлади. Уттан йили 250 тонна сархил мева ва сабзавотларни сақлай оладиган замонавий вакуум музлаткич барпо этилди. Жорий йил эса меваларни саноат тартибда қуриши имконини берувчи цех қурилиши режалаштирилган. Бу одамларимиз меҳнатини анча енгиллаштиради. Зеро, ўрик қуриши осон иш эмас. Бундан ташқари, барча режаларимиз амалга ошса, 70

нафарга яқин ёшлар доимий иш билан таъминланади. Риштон шаҳри яқинлиги боис касаначилик ортидан рўзгор тебратётганлар куп. 30 та хонадонимизда шаҳарда ясалган чинни ва сопол буюмларга нарх солинади. Бу жуда даромадли иш. Битта одам уйдан чиқмасдан кунига 200-250 минг сумгача пул ишлаши мумкин. Оилавий шуғулланаётганларнинг фойдаси бир неча бор катта. Шукрки, газ, электрдан муаммолар йўқ. Жорий

йил тоза ичимлик суви тармоқларини қуриш учун бизнинг ҳудудга 34 миллиард сўм пул ажратилган. Шу кунларда бошланиши кутилаётган лойиҳа амалга ошгач, биз каби кўплаб маҳаллаларда сув муаммоси бартараф этилади. Ҳозирда «Яшил макон» лойиҳаси доирасида кўчаларимиз, ички йўлларимиз ёқасига 3 минг туздан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, 11 минг туп терак қаламчалари ўтказдик. Таклифим: республикамизда

кўзга кўринган шоиру ёзувчилар, санъаткор, спортчи, олимларнинг ҳудудларга ижодий сафарларни йўлга қўйиш керак. Одамлар шу каби тадбирларни соғинган. Аҳоли телевизор орқали кўрадиган инсонлар билан жонли мулоқот қилишни истади. Аммо бунинг иложи бўлмагани афсусланарли.

Акмалжон ХУСАНОВ, Риштон туманидаги «Дашт Тегирмон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МАНЗАРА

«ҲУДУДИМИЗ ТОБОРА САНОАТЛАШИБ БОРЯПТИ»

Ҳозирда маҳалламизда тўрт минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Одамларимизнинг асосий машғулотлари — боғдорчилик ва деҳқончилик. Бизда етиштирилган ўриклар маҳаллий тадбиркорлар тарафидан сархил ва қуритилган ҳолда Россия, Шарқий Европа давлатларига экспорт қилинмоқда. Шалағ, асосан, сархил ҳолда сотилса, қантак, исфарақ, қалампир, кўр содиқ каби навларимиз туршак қилиш учун олиб қўлинади.

Маҳалламизни ўрикчилик музейига қиёслаш мумкин. Биздаги айрим хонадонларда республикамизда деярли йўқолиб кетган навлар ҳамон парвартишланмоқда. Масалан, бозорларимизда оқ қантак туршагини кўплаб топши мумкин бўлса-да, ҳеч қаердан қизил қантак, кўр содиқни топа олмайсиз. Бизда эса бу навлар бор. Назаримда, мазкур маълумот селекционерлар учун ҳам қизиқ бўлса керак. Айниқса, кўр содиқ туршаги олтин тангадек товланиши билан

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ: Ҳеч ким меҳр ва эътибордан бегона эмас

Юртимизда пенсия ва нафақа олувчи шахслар сони 2016 йилда 3,3 миллион нафарни ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу рақам 4 миллион нафардан ошди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож қатламини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, инсон қадрини улуғлаш — халқпарвар ва адолатли жамият барпо этишнинг асосий мезонига айланди.

СОДИҚ АБДУРАСУЛОВ.

Одамлар турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллигини таъминлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг даромадларини инфляция даражасига қараб индексациялаб бориш ҳамда тегишли ижтимоий туловлар миқдорининг минимал истеъмол харажатлари қийматидан кам бўлмаслигини таъминлаш мақсадида 2022 йил 29 апрелда Президент Шавкат Мирзиёев яна иккита муҳим ҳужжат — «Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон ҳамда «Ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

ПЕНСИЯ ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИ ОШИРИЛДИ

Фармонга мувофиқ, 2022 йил 1 майдан ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари миқдори 12 фоизга оширилди. Шунга кўра, эндиликда Ўзбекистон ҳудудида пенсия ва нафақалар миқдори қуйидагича белгиланади:

- ◆ пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори — ойига 324 000 сўм;
- ◆ ёшга доир энг кам пенсия — ойига 633 000 сўм;
- ◆ ногиронлик пенсиялари, иш стажига бўлмагандаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори — ойига 698 000 сўм;
- ◆ меҳнатга лаёқатсизларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болаликдан ногиронлиги бўлганларга бериладиган нафақа — ойига 698 000 сўм.

Шунингдек, пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни минимал истеъмол харажатлари қийматидан кам бўлмаган миқдорларда белгилаш мақсадида

- зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори — ойига 500 000 сўм;
- иш стажига бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — ойига 500 000 сўм;
- боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори — ойига 500 000 сўм

этиб белгиланади ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун — 185 000 сўмдан қўшилди.

— Фармондаги яна бир муҳим жиҳат — 1941-1945 йиллардаги уруш оқибатида ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек, фашистлар қончиларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шахри

қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инобатга олган ҳолда — ойига 3 080 000 сўм этиб белгиланди, — дейди Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппарати бўлим бошлиғи Даврон Фозилов. — «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали 2022 йил 1 апрелга қадар нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш учун маълумотларнинг хато тақдим этилиши, киритилиши ва техник сабаблар тўғрисида фуқароларга ортиқча тўланган суммалар ҳисобдан чиқарилади. Умуман олганда, ҳужжат ижроси орқали 4 миллион 100 минг аҳоли хонадонига қўшимча маблағ кириб боради. Бу мақсадлар учун жорий йилда Пенсия жамғармаси ва бюджет маблағларидан қарийб 4 триллион сўм йўналтирилади.

НАФАҚА БИЛАН БИРГА СТИПЕНДИЯ ҲАМ БЕРИЛАДИ

Бутунги кунда мамлакатимизда 376 та, шу жумладан, 324 та болалар учун ва 52 та ёши катталар учун давлат ижтимоий муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Юқоридаги Президент қарори билан оилавий болалар уйларида бюджетдан соддалаштирилган тартибда маблағ ажратиш тизими жорий этилмоқда.

— Бутунги кунда оилавий болалар уйлари ни молиялаштириши Молия вазирлиги ҳузурдаги газначиликда очилган ҳисоб-рақамлари орқали амалга оширилади, — дейди Молия вазирлиги департамент директори Адхам Эшчанов. — Бу эса, ўз навбатида, кундалик харажатларни амалга оширишда муайян қийинчиликларни юзга келтиради. Эндиликда янги тартибга асосан, 2022 йил 1 июлдан бир нафар тарбияланувчига тўғри келадиган харажатлар миқдори ҳамда болалар сонидан келиб чиқиб, зарур маблағлар ота-оналар номига очилган банк пластик карталарига ўтказиб берилди. Бунда ойлик харажатлар таркибига коммунал харажатлар ҳам киритилди. Коммунал туловлари аввалгидек юридик шахслар тўлайдиган тарифларда эмас, оддий аҳоли учун белгиланган тарифларда олинади.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати — Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий ва Тошкент вилоятларида мактабгача ёшдаги ногиронлиги бўлган болаларга таълим бериш билан биргаликда, реабилитация хизматларини кўрсатиш имкониятига эга бўлган биттадан «Имкон» кўп тармоқли ихтисослашган мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилди. 2023-2025 йилларда яна 10 та ҳудудда реабилитация марказига эга бўлган шундай ташкилотлар тузилади. Бу орқали ногиронлиги бўлган мактабгача ёшдаги минглаб болалар таълим ва тарбия тизимига қамраб олинади.



Умуман олганда, ҳар бир бандида эҳтиёжманд аҳолининг манфаатлари, уларнинг дарду ташвишларини арифтадиган чоралар акс этган ушбу тарихий икки ҳужжат халқимизга муносиб тўхфа бўлди, десак адашмаймиз.

Ҳужжатда ногиронлиги бўлган кексаларга алоҳида эътибор қаратилган. Мисол учун, аввал ишлаган, «Саховат» уйларида яшовчи мингта яқин ёши улуг инсонларга ҳозир ҳеч қандай тўловлар берилмайди. Эндиликда 1 майдан «Саховат» уйларида яшовчи зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга шахсий сарф-харажатлари учун ҳар ойда тегишли нафақа миқдорининг 20 фоизи тўлаб берилди.

— Қарордаги яна бир янгилик шундан иборатки, энди етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган талабаларга давлат ОТМда озиқ-овқат, кийим-кечак ва санитария воситалари харид қилиш учун маблағ ажратиш амалиёти нодавлат олий таълим муассасалари талабаларига ҳам татбиқ этилади, — дейди Адхам Эшчанов. — Маълумки, 2021 йилдан бошлаб барча етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ўй-жой билан таъминлаш дастури йўлга қўйилган. Биргина ўтган иш дастур доирасида 700 нафарга яқин шу тоифадаги болалар уй билан таъминланди. Бироқ амалиётда ушбу уйлари уларнинг номига ўтказиб беришда нотариус ва кадастр хизматлари харажатларини қоплаш билан боғлиқ масала ҳал этилмаган. Қарор билан мана шу муаммо ҳал этилиб, бундай болалар ўй-жойларни ўз номига расмийлаштиришда нотариус ва кадастр хизматлари учун давлат божи тўлашдан озод этилади.

2022 йил 1 июндан «Ишга марҳамат» мономарказларида инклюзив таълим асосида касб-хунарга ўқитилаётган ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлик нафақаси билан бир вақтда, БҲМнинг 2 баравари (540 минг сўм) миқдорида ҳар ойлик стипендия тўлаб берилди.

2023 йил 1 январдан I ва II гуруҳ ногиронлиги учун пенсия тайинлангандан кейин ишлаган фуқароларнинг иш стажига ва иш ҳақини ҳисобга олган ҳолда, ногиронлик пенсияси миқдорлари ҳар икки йилда қайта ҳисобланади. Худудий жамоат фонлари ҳисобидан Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти, Ўзбекистон карлар жамияти ҳамда Ўзбекистон ногиронлар ассоциациясининг худудий бўлимларига давлат субсидияси ажратилади. Шунингдек, 2022-2023 йилларда давлат ижтимоий муассасаларининг қуриш ва таъмирлаш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 600 миллиард сўм йўналтирилади.

Умуман олганда, ҳар бир бандида эҳтиёжманд аҳолининг манфаатлари, уларнинг дарду ташвишларини арифтадиган чоралар акс этган ушбу тарихий икки ҳужжат халқимизга муносиб тўхфа бўлди, десак адашмаймиз. Зеро, уларда белгиланган тартиблар билан неча йиллар давомида ечимини кутиб ётган масалалар ҳал этилди, ижтимоий ҳимоя янада кучайтирилди, бутун ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги амалда ўз тасдиғини топди.

БИЛАСИМИ?

«Ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорига кўра:

- ▶ жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларда ҳамда ногиронлиги бўлган болалар касб-хунар мактабларида ишловчи техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг базавий тарийф ставкаларига 50 фоиз миқдорда устамалар тўланади.
- ▶ заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари 2022 йил якунига қадар замонавий эшитиш мосламалари билан тўлиқ таъминланади, 2023 йилдан бошлаб эса эҳтиёждан келиб чиқиб, замонавий эшитиш мосламаларини мунтазам равишда харид қилиш амалиёти жорий қилинади.

▶ Афғон урушида иштирок этган ногиронлиги бўлган жангчи-фахрийлар индивидуал ўлчовлар асосида тайёрланган тегишли замонавий протез-ортопедия мосламалари билан таъминланади.

▶ Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти, Ўзбекистон карлар жамияти ва Ўзбекистон ногиронлар ассоциациясининг ўз худудий бўлимлари томонидан 2023 йил 1 январдан бошлаб тегишли ҳудудлардаги ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш, жамиятда ўз урнини топишида қўмақлашиш борасида амалга оширилган ишлар натижаси бўйича ҳар чоракда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашига ҳисобот бериш амалиёти йўлга қўйилади.

МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

«КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ЙИҒИННИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?»

Маҳалламизда маънавий-тарбиявий ишларни жонлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмиш. Бу борда ҳудудимизда яшовчи нуруний инсонларнинг қўмағидан фойдаланяпмиз. Чунки каттаю ёш, биринчи навбатда, уларнинг фикрларига қўлоқ тутади, насиҳатларини қабул қилади. Хато ва камчилигини кўрсатса, увлаганидан кейинчалик бу ишни қилмасликка уринади.

Шукри, маҳалламизда аҳли тотув, ҳар бир масалада баҳамжиҳат иш тутишга ҳаракат қилади. Аммо бир жиҳат борки, корхона-ташкilotларда ишлайдиган айрим одамлар иқтисодий жиноятларга қўл уриб қўйиши бор гап. Гап шундаки, улар ҳам маҳаллада яшади.

Агар маҳалламиздан шундай қўли эгри одамлар чиқса, бу биз учун уят. Қолаверса, нега маҳалла бундан одамлар билан ишламади, уларни тўғри йўлга бошламади, деган эътирозлар ҳам бўлади. Ахир ундаги иллатлар маҳаллада эмас, ўша ишлаган жамоаси муҳтида пайдо бўлган.

Шу боис ташкilotга ишга олинаётган ходимдан маҳалла тавсияномаси талаб қилиниши йўлга қўйилса, яхши бўларди. Тўғри, таклифим маҳаллардаги қўғозбозликни камайитириш сиёсатига тескарисидек туюлиши мумкин. Мен бу ўзгаришларни тўлиқ

қўллаб-қувватлайман. Фақат коррупцияни камайитириш борасида маҳалланинг урнини мустаҳкамлаш мақсадида шу тизим жорий этилса, тавсиянома олмоқчи бўлиб маҳаллага келган фуқарога ишга қираётган корхонасида қинғир ишларга қўл уришдан эҳтиёт бўлиш ҳақида

тушунтириш олиб бориларди. Ўша одам эртага шундай ҳолат билан рўпара келганда маҳалла-қўй олдидаги масъулиятни ҳам ҳис этиши мумкин бўларди.

Шукржон БОБОЕВ, Бухоро туманидаги «Галаосиё» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ҚАМАШИННИНГ ОБОДЛИГИ, КЎРКИДАН КЎЗ ҚАМАШАДИ

Сўнги йилларда мамлакатимизда халқнинг хоҳиш-иродаси, унинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Халқ манфаатига хизмат қилувчи ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Айни жараёнларда қишлоқлар ободлиги ва кўркамлигига алоҳида эътибор берилмоқда. Қасби туманидаги Қамаши қишлоғини бугунги кунда ана шу ўзгаришларнинг амалдаги ифодаси сифатида тавсифлаш мумкин.

Мансур АБДУСАТТОНОВ.

Ободлик кўнглидан бошланади. Бу тушунча бугун халқимиз ўртасида кенг оммалашиб, бунёдкорлик ва яратувчанликка ундамоқда. Бу мақсадлар рўёби Қамаши қишлоғидаги «Қамаши», «Хўжақент», «Шифокор», «Нуробод» маҳаллаларидаги ободлаштиришда ҳам ўзининг бор буй-бастии билан намоён бўлмоқда.

Хусусан, аҳолининг кўп йиллик талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, 231 донга замонавий бетон устунлар ўрнатилди. 7 минг метр кабель ўтказилди, 14 350 метр газ қувурлари тартибга келтирилди. 10 730 метр қисми бўёқланди. Шунингдек, табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизими доирасида 2 199 та хонадонга замонавий газ ҳисоблагичлар ўрнатилиб, икки босқичли жараёнга ўтказилди. Қишлоқнинг 2,8 км. тупроқ йўлига тош-шағал тўкилди. 1,2 км. пиёдалар йўлакчалари қурилди. Асосий йўллар асфальтланди. Аҳоли хонадонлари ва йўл атрофидаги 40 минг донга терак қаламчалари ҳамда 8 мингдан ортиқ мевали-манзарали дарахтлар экилди.

— Авваллари мана шундай шароитлар бўлмаган, — дейди маҳалла фаоли Курбоний Шозотова. — Атроф ташландиқ жой эди. Маданият уйи жудаям хароб ҳолатда бўлган. Шу ердан мактабга, ишга ўтиш пайтида ачиниб кетардим. Мана энди қишлоғимиздаги барча маҳаллалар замонавий қиёфа касб этди. Маданият уйи таъмирланди, янги МТТ қурилди. Дехқон бозори мутлақо ўзгача қиёфага кирди.

Ободлик, тўқислик ва фаровонлик. Бу фаровон турмуш барпо этининг гузал омилларидир. Маскун омиллар эвазига ҳар бир ватандошимиз ўз оиласи бағрида бахти бекамликни ҳис қилса, уларда Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси янада ошади. Зеро, моддий ва маънавий тўқислик ҳар бир инсоннинг орзуларини рўёбга чиқаришга замин ҳисобланади. Қамаши қишлоғида амалга оширилган кенг қўламли ишлар, аввало, мана шу мақсад — инсонни улуглаш, қадрини юксалтиришга қаратил-

гани билан аҳамиятлидир. Хусусан, олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида қишлоқ марказидаги маданият уйи қайта таъмирланди. Нафақат ташқи ва ички кўриниши ўзгарди, балки маданият уйига қайта мазмун кириб келди. Бу ерда ахборот технологиялари йўналиши, қандолагчилик, тикувчилик, гилам тўқиш, кашта ва қўлда мунчоқ қадаш каби ўқув курслари ташкил этилди. Аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази томонидан гузаллик саломи ва маший хизмат курсатиш йўлга қўйилди. Шунингдек, фан тўғарақлари ўз фаолиятини бошлади.

Ўзбекистон — жаннатмакон юрт. Бу юртининг чиройи ва кўркига эса обод қишлоқлар, обод манзиллар янада кўрк ва файз бахш этади. Шу маънода бугун ободликка юз тутаетган олис ҳудудлардаги маҳаллаларда одамларнинг эртанги кунга ишонч ортиб бормоқда.

— Бир пайтлар қишлоғимиз ёшлари шахар марказидаги шароитларга ҳавас қилишарди, — дейди тўғарақ раҳбари Динара Нуридинова. — Мана энди бу ердаги шароитларга унча-мунча шахардаги имконият тенг кела олмайдими. Ўқувчилар дарсдан кейинги бўш вақтини мана шу ердаги тўғарақларда ўтказмоқда. Тўғарақларда хорижий тилларни мукамал ўрганиш имконияти яратилган. Бу ёшларимизга катта рағбат ва куч бермоқда.

Гулжаҳон Саидкулова — тadbиркор. Аввал хонадонда 3-4 нафар шогирдлари билан фаолият олиб борган. Бугун бу тadbиркор учун барча шароитларга эга бино ажратиб берилди. Ўғилжон Мусаева уйидаги кичкина цехда иш олиб борарди. Туман ҳокимлиги ташаббуси

билан бу тadbиркорга ҳам замонавий бино ажратилди.

— Авваллари қўл машиналарида ишлардик, — дейди У.Мусаева. — Ҳозир замонавий машиналар билан таъминландим. 400 нафар аёлни иш билан банд қилдик. Яъни улар қасначилик асосида бисерларни қўлда қадаб келишади. Бу ерда эса биз дастурхон атрофида бириктирамиз.

Қишлоқдаги ўзгаришлар баробарида тақдирини ўзгарган яна бир тadbиркор Лобар Абдурасуловадир. У тикувчилик йўналишида хусусий тadbиркорлик билан шуғулланарди. 22 йилдан бери уйда қийин шароитларда иш олиб борган. Бугун эса замонавий шароитларга эга бино, замонавий дастоҳлар ёрдамида фаолиятини кенгайтириб бормоқда. Айни пайтда унинг қорхонасида 12 нафар қизлар доимий иш билан банд.

Дилрабо Муродхонова шу вақтгача уй шароитида турли хил пишириқлар тайёрлаб юрган. Аммо имконият етарли бўлмагани учун фаолиятини кенгайтира олмаган. Мана энди унга имкон берилди. Қишлоқда фойдаланилмай келган бино таъмирланиб, замонавий кўриниш касб этди. Эндиликда бу ерда Д.Муродхонова бошчилигида қизлар турли пишириқлар пиширишни ўрганоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илгари сурилган 5 муҳим ташаббус барча ҳудудларда ўз ифодасини топтоқда. Жумладан, Қамаши қишлоғидаги маданият марказида ташкил этилган компьютер саводхонлиги тўғараги ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга хизмат қилмоқда. Маданият марказида кўплаб тўғарақлар фаолият олиб бормоқда.

Вилоят прокуратураси ва департаментининг ташаббуси билан Қамаши дехқон бозори тулик қайта қурилиб, 20 та хусусий оилавий қорхона ва 210 нафар яққа тартибдаги тadbиркор жалб этилди. Натижада 250 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

— Бу бозоримиз 1978 йилда қурилган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғофур Мавлонов. — Анча хароб аҳолида эди. Мана энди бозорга хамманнинг ҳаваси келади. Аввал бу бозор ҳафтада 1 кун ишлаган бўлса, бугун ҳар кунлик фаолиятга ўтган.

Ўзбекистон — жаннатмакон юрт. Бу юртининг чиройи ва кўркига эса обод қишлоқлар, обод манзиллар янада кўрк ва файз бахш этади. Шу маънода бугун ободликка юз тутаетган олис ҳудудлардаги маҳаллаларда одамларнинг эртанги кунга ишонч ортиб бормоқда.



ОБОД МАНЗИЛЛАР

ҲАР БИР ХОНАДОН БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНГАН

«Мингчирор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси сифатида иш бошлаганига 3 йил бўлди. Дастлабки йиллардаги таҳлилларга кўра, ичимлик сув, электр энергияси ва кўчалар ҳолати бўйича муаммолар зарур чоралар кўришни талаб этарди. Фаолиятим аввалидаёқ ҳокимлик мутасаддилари ва сектор раҳбарига зарур ишлар ҳақида маълумот бердим ва кўмак сўрадим.

Ҳасанбой ПЎЛАТОВ, Янги Наманган туманидаги «Мингчирор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

«Обод маҳалла» дастури ҳамда бюджетдан орттирилган маблағ ҳисобидан 7 та кўчамиз асфальтланди. Масалан, Завқий кўчасининг 700 метр, Адҳам Эрматов кўчасининг 500 метр, Ороғмоҳ кўчасининг 700 метр масофаси замонавий кўриниш касб этди. Бундан ташқари, шу кўчалардаги ичимлик сув тармоғи янгиланди. 3 та кўчада оқова сув тизими тармоғи алмаштирилди. Авваллари электр энергиясида узилдишлар бўларди. 2020 йилда маҳалланинг мавжуд трансформатори кучайтирилди. Натижада муаммо ҳал бўлди.

2019 йил бошида эҳтиёжманд оилалар рўйхати 32 та бўлса, ҳозир 8 тага тушди. Аҳолининг тadbиркорлик йўналишидаги ҳаракатлари ва ташаббуслари қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, имтиёзли кредит ҳисобидан

ишсиз фуқаролар бандлиги таъминланмоқда. Масалан, шу кунгача 15 нафардан ортиқ фуқарога имтиёзли кредит ҳисобига тикув машиналари олиб берилди. 3 нафар маҳалладошимиз шу тарзда қорамол сотиб олишди.

Яна бир эътиборли жиҳат, сектор раҳбари ва ҳокимлик мутасаддилари ҳудуддаги кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилалар ҳолидан мунтазам хабар олишмоқда. Масалан, Янги Наманган тумани 2-сектор раҳбари «Темир дафтар»да рўйхатда турувчи 1-гурӯҳ ногирони Тешабой Исроилов хонадонига келиб, ҳолидан хабар олди. Хонадонга зарур маҳсулотлар етказиб берилди. Шу маҳаллада яшовчи Неъмат Маҳмудов «Темир дафтар»да рўйхатда туради. Сектор раҳбари ушбу хонадонга

кириб, оила аъзолари ҳолидан хабар олди. Суҳбат давомида Н.Маҳмудовнинг турмуш ўртоғи К.Жўраева бир неча йиллардан бери қандли диабет касаллиги билан оғриши маълум бўлди. Шу боис унинг саломатлигини тиклаш учун туман тиббиёт бирлашмасига йўлланма берилди.

Маҳалламизда «Алломалар мероси» ўқув маркази фаолият бошлади. Ушбу ўқув марказида 5 та йўналиш бўйича давомийлиги 2-6 ой бўлган ўқув курслари иш олиб бормоқда.

Шунингдек, хусусий тadbиркорлар Орифжон ва Аҳмаджон Қурбоновлар ташаббуси билан ташкил этилган «Карменфасон» қорхонаси фаолиятини янада кенгайтириш ҳаракатидамиз. Ҳозирда янги бино қуриляпти. 3-қаватли бино битса, нафақат маҳалламиз, балки



қўшни маҳаллалардан хотин-қизлар ишга қабул қилинади. Бу қорхонанинг фаолияти тикувчиликка ихтисослашган. Умуман олганда, маҳалламизнинг

асосий «ўсиш нуқтаси» тикувчилик ҳисобланади. Ҳар бир хонадон шу йўналишда ўзини ўзи банд қилган. Шу боис бугунги кунда маҳалламизда ишсиз фуқаролар йўқ.

БЕМОР ИСТЕЪМОЛЧИ

СИФАТИДА ТАЛАБ ҚИЛГАНИДА ЭДИ...

ЯНА «GUANGZHOU» МАВЗУСИ...

Шу вақтгача телерадио эфирларида муттасил реклама қилиб келинган «GUANGZHOU MEDICAL OF CHINA» халқ табобати хусусий клиникасига нисбатан кўзгатишган жиний иш доирасида турли саволлар пайдо бўлди. Одамларда тегишли масъул идоралар бу клиника фаолияти ҳамда унинг махсулотлари рекламасини нега назорат қилмаган, деган ҳақли эътирозлар янгради.



Шаҳбоз ЗАРИПОВ, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги масъул ходими.

Аввало айтиш керакки, ушбу клиника халқ табобати йўналишига ихтисослаштирилган бўлиб, бундай тиббий фаолиятга рухсатни Соғлиқни сақлаш вазирлиги беради. Шунга қўра, лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши юзасидан назоратни ҳам лицензияловчи орган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги) амалга оширади.

Табиийки, бу ўринда бизнинг, яъни Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг ҳам ваколатлари доирасида вазиғалари бор. Жумладан, истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши сабабларини таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши ҳолатларининг олдини олиш бевосита ваколатимиз доирасидаги ишлардир.

Шунга асосан, агентлик 2021 йил ва 2022 йилнинг ўтган даврида клиника томонидан кўрсатилган тиббий хизматларга оид 6 та мурожаатни ўрганган. Натияжада

истеъмолчиларга улар томонидан тўланган 15,8 млн. сўм миқдордаги пул маблағлари тўлиқ қайтарилиши таъминланган. Шунингдек, ушбу мурожаатларда қайд этилган ҳолатлар юзасидан клиника фаолиятига ваколат доирасида баҳо бериш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигига ахборот киритилган.

Бундан ташқари, рекламалар юзасидан олиб борилган ўрганиш ва таҳлиллар асосида тегишли тузатишлар киритилиши таъминланган. Шунингдек, реклама тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилиши аниқланиб, жамиятга нисбатан белгиланган тартибда иш қўзғатилган.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай салбий ҳолатларнинг олдини олишда ҳар бир инсон истеъмолчи сифатида талаб қиладиган жиҳатлар мавжуд. Агар мана шу билимларга эга бўлинса, юқоридеги каби салбий ҳолатлар олди олинади. Жумладан, сизга ўз хизматини таклиф қилган клини-

када халқ табобати соҳасини тартибга солиш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, халқ табобати усулида хизмат кўрсатиш бўйича фаолият учун лицензияси, клиника фаолиятига оид хизматлар ва нархлар, даволоччи ва консултация берувчи шифокорлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар мавжуд бўлиши шарт.

Шифокор халқ табобати усуларини қўллаш орқали тиббий хизмат кўрсатиш билан халқ табобати бўйича ихтисослашувдан ўтган ёки махсус курсларни тутатган, одам анатомияси, физиологияси, фармакология, лаборатория ва инструментал диагностика, шунингдек, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг амалий кўникмалари бўйича махсус ўқув курсини тамомлаган бўлиши керак.

Халқ табобати усулида тайёрланган дориларнинг таркиби, инсон организмга таъсири, қўлланилиши, яроқлилик мuddати,

ишлаб чиқарувчи субъект номи ва манзили ҳақида тўлиқ давлат тилида ва шу билан бирга зарур бўлган ҳолларда бошқа тиллардаги таржимаси ифодаланган бўлиши лозим.

Бу усулда даволашнинг мақсадга мувофиқлигини белгилашда халқ табобати мутахассисининг тегишли шифокор билан маслаҳат қилиши мажбурий шарт ҳисобланади. Беморларни халқ табобати мутахассислари томонидан қабул қилиш, бемор шифокор кўригидан ўтгандан сўнг амалга оширилади. Болалар ва ҳомиладор аёлларга педиатр, умумий амалиёт ёки гинеколог шифокорнинг ҳулосаси мавжуд бўлганда халқ табобати усулларини қўллаш орқали тиббий хизмат кўрсатишга рухсат этилганлиги, тегишли шифокор беморга халқ табобати усулларини қўллаш бўйича кўрсатма ёки қарши кўрсатма тўғрисида ёзув киритиши шартлиги, қарши кўрсатмалар мавжуд бўлган тақдирда, шифокор

беморнинг амбулатор картаси ёки касаллик тарихига ушбу усулларни қўллаш оқибатидаги асоратлар ҳақида маълумотлар бериши, қўлланилган халқ табобати усули ва ўтказилган муолажалар ҳақидаги маълумотларни беморнинг амбулатор картаси ёки касаллик тарихига ёзиб қўйиши керак.

Ҳар бир тиббий хизмат истеъмолчиси юқорида кўрсатилган талабларни «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4, 5 ва 6-моддаларида белгиланган меъёрий қоидаларга асосан талаб қилишга ҳақли.

Албатта, мазкур эслатмалардан воқиф бўлиш ҳар бир истеъмолчининг нафақат ўзи, балки оила аъзолари, яқинлари, дўст-танишларининг ҳам халқ табобатига эҳтиёжи тушганида юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчилик ёки соғлиғи, молиявий ҳолатига зарар етишини олдини олишда муҳим ўрин тутаяди.

ҲАР БИР ТИББИЙ ХИЗМАТ ИСТЕЪМОЛЧИСИ ЮҚОРИДА КўРСАТИЛГАН ТАЛАБЛАРНИ «ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ 4, 5 ВА 6-МОДДАЛАРИДА БЕЛГИЛАНГАН МЕЪЁРИЙ ҚОИДАЛАРГА АСОСАН ТАЛАБ ҚИЛИШГА ҲАҚЛИ.

МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

«МУАММОДАН ҲОКИМЛИК ВА МАСЪУЛЛАР ХАБАРДОР»

Шоҳимардонсойдан келадиган ирмоқ тўртта қадимий қувур орқали Эшонгузар, Қумтепа, Янгидўкон, Оқтепа қишлоқларига тарқалади. Бизнинг қишлоқ тўрт қувурнинг бошида жойлашган. Шу боис «Қувурбоши» деб аталади. Худудимиздан кўплаб машҳур инсонлар етишиб чиққан: олимлар, меҳнат қаҳрамонлари, давлат арбоблари, санъаткорлар...



Бугунги кунда аҳоли сони беш минг нафарга яқинлашди. «Драйвер»имиз узумчилик ва боғдорчилик. Ҳозирда водийнинг асосий узумчилик маркази Олтиариқ туманига кўчган бўлса-да, илгари бу соҳа бизнинг асосий юмушимиз ҳисобланган. 30 дан ортиқ хонадонларда иссиқхоналар бор. Помидор, қалампир, лимон парваришланапти.

Бизда берсанг ейман, урсанг ўламан, деб ётадиган боқимандалар йўқ ҳисоби. Одамларимиз тадбиркор, янгиликка ўч. Масалан, боғбонларимиздан Алижон Турғунов 10 йиллар илгари хориждан бир неча мандарин кучатларини олиб келганди. Кичкина, бозорда «королевские», деб аталадиган мазали ва қиммат мандарин. Кучатлар 3

йил деганда мевага кирди. Ҳозирда ҳар мавсумда 200 килодан ошиқ ҳосил оляпти. Ишини янада ривожлантириш пайида. Унинг ортидан бошқа боғбонлар ҳам иссиқхонада мандарин парваришлашни бошлаб юборишган. Уйлайманки, тез орада худудимиз, асосан, шу махсулотни етиштиришга мослашиб кетади. Зеро, даромади мўл, боз устига юртимизда етиштириш мумкин эканини ҳаммамиз билиб бўлдиқ.

Аёлларимиз, асосан, дўппидўзлик билан шуғулланади. Улар тиккан дўппилар пойтахтимиз бозорларида харидорғир.

Муаммоларимиз кам. Худудимиз юз фоиз газлашган. Газ таъминотида узилишлар бир неча йилдан буён кузатилаётгани йўқ. Электр энергияси масаласида ик-

кита трансформаторни янгилаш керак. Эскирган. Айрим пайтлари кучланишни кўтара олмай қоляпти. Иккита кўчамиздаги ичимлик сув қувурларини алмаштириш лозим. Бу муаммолардан ҳоқимлик ва масъул идоралар хабардор.

Жорий йил Осие тараққиёт банки лойиҳасига асосан, биз ва атроф қишлоқларда юқоридаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида беш ярим миллиард сўм маблағ ажратилганини айтишди. Қурилиш ишлари июнь ойида бошланар экан. Мазкур муаммолар ҳал этилса, маҳалламиз намунали худудлардан бирига айланади.

Маъмиржон РАҲИМОВ, Қўштепа туманидаги «Қувурбоши» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

СТАТИСТИКА

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ НЕЧА ФОИЗИ 1 МИЛЛИОН СЎМГАЧА МАОШ ОЛАДИ?

Молия вазирлигининг берган маълумотига қўра, ўтган йилда Давлат бюджетни даромадлари таркибида жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи 18 триллион 917,7 миллиард сўмни ёки жами тушумнинг 11,5 фоизини ташкил қилган.



Давлат бюджети параметрига нисбатан бу 13 фоизни ташкил қилган. Иш берувчилар тўлов манбаида ушлаб қоладиган даромад солиғи 17,5 триллион сўмни ташкил этган.

Давлат бюджетига ундириладиган йиғимлар бўйича 2 068,8 миллиард сўм келиб тушган.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, 2021 йил декабрь ойида жисмоний шахслардан даромад солиғи тўловчилар сони 4 миллион 761 минг 211 тани ташкил қилган. Иш ҳақи даражасининг динамикасига қўра, иш ҳақи миқдори 1 миллион сўмгача бўлган тўловчилар жами тўловчиларнинг 33 фоизини ташкил қиладди.

Шунингдек, иш ҳақи миқдори 1 миллион сўмдан 2 миллион сўмгача бўлган тўловчилар жами тўловчиларнинг 23 фоизини ташкил қилмоқда.

Яна бир маълумот. Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясига асосан, 2019 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан олинган 8 фоизли суғурта бадали бекор қилинди ҳамда солиқ ставкаси 22,5 фоизгача бўлган 4 поғонали даромад солиғининг ягона ставкаси 12 фоиз этиб белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 8 июндаги «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, 2020 йилнинг 1 июлдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган шахслар фаолият (ишлар, хизматлар) турлари сони 24 тадан 67 гага

кўпайтирилди. Мазкур касб эгалари даромад солиғидан озод қилинган.

Бундан ташқари, ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар, БҲМнинг камида 50 фоизи ҳажмида тўлайди. Ушбу сумма тулиқлигича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади, ундан келиб чиққан ҳолда яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланади.



